

Sport o‘yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish
va mashg‘ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ЖИСМОНИЙ СИФАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВ

Абдирахимов Сардор Дилмурот ўғли
ЧДПУ ўқитувчиси
Муродова Рухшона Музаффар қизи
Умарова Одинахон Бахтиёр қизи
Хабибуллаева Нафосат Хайрулла қизи
ЧДПУ Жисмоний маданият ҲҚС талабаси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мактаб ўқувчилари жисмоний сифатларини ривожлантиришда акмеологик ёндашув юзасидан кўрсатма ва таклифлар келтирилган.

ANNOTATION

This article contains instructions and suggestions regarding the acmeological approach to the development of physical qualities of schoolchildren.

Таянч сўзлар: мазмун, волейбол, акмеология, ўқувчи, ривожланиш, машғулот, натижа, сифат.

Keywords: content, volleyball, acmeology, student, development, training, result, quality.

Умумий ўрта таълим тизимиning Давлат таълим стандарти ҳамда жисмоний тарбия бўйича миллий дастурда ўқувчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлигини ошириш, ўқувчиларнинг таълимий-тарбиявий билим, кўнкима ва малакаларини шакллантириш белгилаб қўйилган. Шу ўринда таълим амалиётига замонавий тенденцияларни татбиқ этиш орқали ёшлиарни баркамол шахс сифатида камол топишини таъминлаш бугунги куннинг муҳим масалалар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4956-сон, 2020 йил 24 январдаги “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5924-сон фармонларини, 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3031-сон қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларда таълим

Sport o‘yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish va mashg‘ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

сифатини таъминлашга доир белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур мақола муайян даражада хизмат қиласи.

Ривожланган жаҳон мамлакатлари каби бизни таълим ва спорт ҳам кундан-кунга ривожланиб бормоқда. “Давлат-таълим-ўқувчи-ота-она” ҳалқаларини бирлаштириб, мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим, профессионал таълим, олий таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларини бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлилар эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устуни, деб белгиланганлиги “III Ренессанс даври жисмоний тарбия ўқитувчисининг педагогик таълими назарияси ва амалиётининг акмеологик асослари”ни ўрганиш муаммосини тадқиқот обьекти қилиб белгилашга туртки бўлди.

“Акмеологик ёндашув” - акмеологик муаммолар ва вазифаларни ечиш имконини берувчи, методлар ва усуллар, тамойиллар мажмуини тушунтирувчи акмеологик категориялар умумлашмаси ҳисобланади. Акмеологик ёндашув таълим мазмунига, таълим технологиялари, ўқувчиларни тарбиялаш ва ўқитишига, таълим муассасасини бошқаришни ривожлантириш, таълимнинг барча субъектларида тизимлаштирилган билиш мотивлари, таълим олиш ички эҳтиёжга айланиши, ижодий тафаккурнинг асосий бошловчилиги эвазига таълим сифатини ошишига ҳисса қўшади.

Биз томонимиздан тадқиқ этилаётган волейбол машғулотлари орқали ўқувчиларнинг жисмоний сифатларини акмеологик ёндашув асосида такомиллаштиришни амалга оширишда аввало, жисмоний тарбия дарсларида волейбол машғулотининг мазмуни ҳамда ўқувчилар жисмоний сифатларини ривожлантиришда дидактик имкониятлардан фойдаланиш даражасини аниқлаб олиш лозим.

Умумий ўрта таълим мактабларида волейболнинг афзаликлари – ўйин учун жойларини жиҳозлаш ва уни ўтказиш қоидаларининг қиёсий соддалиги, ажойиб ўйин-кулги, турли хил техник-тактик ҳаракатларнинг кўплиги, ўйиннинг ҳиссийлиги, жамоавийлик, турли ёшдаги ва қасбдаги одамларни волейболга жалб қиласи.

Хар хил воситалар ва ўйин ҳаракатлари нафақат интенсивликда, балки мувофиқлаштириш тузилишида ҳам фарқланади ҳамда ўувчининг барча жисмоний сифатларини ривожлантиришга ёрдам беради: куч, чидамлилик, тезлик, чаққонлик ва эгилувчанлик уйғун мослашувчанликда тарбияланади.

Акмеологик ёндашув ўқитувчи шахсига қадрият, мақсад, субъект, натижа ва самарадорликнинг бош мезони сифатида муносабатда бўлади.

Sport o‘yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish va mashg‘ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

Чунки шахс доим ўзини ўзи ривожлантириши учун керакли вазиятларни танлайди, бу вазиятлар унинг онгига ўзини ўзи англаш, намоён этиш, такомиллаштириш, ўзини кўрсатиш зарурати билан пайдо бўлиб, шахс ўзининг касбий ва индивидуал ривожланиши учун энг мақбул йўл тутишга харакат қиласди.

Бу эса бизда жисмоний тарбия ўқитувчи ёки мураббийнинг машғулот педагогик таълими назарияси ва амалиётининг акмеологик асослари” тарзида танлашга турки бўлди. Жумладан, Сўнгги йилларда жисмоний маданият ва спорт соҳаси мутахассисларининг касбий камолотини таъминлашнинг педагогик шарт-шароитлари бўлажак ўқитувчиларнинг касбий камолоти учун мониторингини шакллантириш, спорт-педагогик фаолият мутахассисларини тайёрлашни такомиллаштириш, ўқувчиларда касбий маданиятни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, педагогнинг ўзини ўзи камол топтириши, тренер фаолияти ва шахсини тавсифловчи психологияк хусусиятлари ва бошқаларни амалда қўлланилишидир.

Истеъодли ёш волейболчиларни танлаш ва тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришга ёрдам бера оладиган янгича ёндашувлар, самарали воситалар ва методларни илмий излаш зарурияти юзага келади ва шу боисдан кўйидаги вазифалар амалга оширилиши лозим.

1. Ҳаракатли ўйинларни ўйин йўналишларига биноан, турларини ишлаб чиқиши предметига синовдан ўтказиш билан уларни танлаш ва волейбол хусусиятларига мослаштириш.

2. Ҳаракатли ўйинларнинг ёш волейболчилар жисмоний ривожланганликлари ва техник тактик тайёргарликлари даражасига таъсирини аниқлаш.

3. Ёш волейболчиларни танлаш ва тайёрлашда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланишининг самарадорлигини ўрганиш.

4. Дастребаки спорт тайёргарлиги даврида ёш волейболчиларни танлаш ва тайёрлашда болаларнинг машғулотга мойиллигини, қизиқишини, бор имкониятларини ишга сола билишлигигини, вазиятни олдиндан кўра билиш қобилияти ривожланган спортчиларни ажратиб олиш.

- Бу вазифалар спортчиларнинг сифат кўринишини ўзгартириб, танловнинг бутун тайёргарлиги давомида волейболчиларни қўп йиллик тайёрлашга ёрдам беради.

Sport o‘yinlari (futbol, voleybol, basketbol, gandbol)ni rivojlantirish
va mashg‘ulotlarni takomillashtirishning dolzarb muammolari

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шукурллаев Ж.М. 7-14 ёшли мактаб ўқувчилари ичидан волейбол спорт турига танлаб олиш методикасини такомиллаштириш. ТДПУ магистрлик диссертацияси. 2020-йил.
2. Шукурллаев Ж.М. Ўқувчи ёшларни волейбол спорт турига танлаб олишнинг методик хусусиятлари. ACADEMIC RESEARCH in EDUCATIONAL SCIENCES. №.1. 2020 2-октябр.
3. Шукурллаев Ж.М. Бошланғич синф ўқувчиларини волейбол спорт турига саралаб олиш усулларини такомиллаштириш. “Бошланғич таълимни компетенциявий ташкил этиш: назария ва амалиёт” мавзусидаги онлайн ҳалқаро илмий-назарий анжуман. 2020-йил 28-апрел.
4. Жисмоний тарбия ва спорт журнали. 2018-йил.
5. Шукурллаев Ж.М. 7-14 ёшли мактаб ўқувчиларини волейбол спорт турига танлаб олишнинг методик хусусиятлари. “Муғаллим ҳем узликсиз билимленидириў” 2-сон. 2019-йил. Некис.ш. Б.153-156.